

Сайёра Тўйчиева

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, фалсафа фанлари
доктори

МИЛЛАТНИНГ ЎЛМАС ДОСТОНИ

Аннотация: Уибу мақолада халқ орасида яшаб келаётган поэзия ва унинг ноёб тури - достончилик мактаби, унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида маълумотлар берилади. Шу билан бир қаторда, миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган авлодлардан аждодларга ўтиб келаётган қаҳрамонликлари ва олийжаноблик, матонат, муҳаббат, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлар ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар. Мерос, фольклор, баҳшичилик, “Алпомии”, тарбия қаҳрамонлик, ўзбек достончилиги, ноёб санъат

Annotation. This article presented the information about folk poetry and its unique types of legend saying schools, their impact to upbringing of youth. In addition to this, they spoke about the heroic deeds of our nation, passed down from generations to ancestors, and virtues such as nobility, fortitude, love, loyalty, and loyalty.

Key words: heritage, folklore, bakshi-legend sayer, Alpamish, upbringing, heroism, Uzbek legend-sating, unique, art.

Аннотация: В данной статье представлены сведения о поэзии, живущей в народе и ее уникальном виде - школе поэзии, ее роли в воспитании молодежи. Кроме того, они говорили о героических подвигах нашего народа, передающихся из поколения в поколение предкам, и таких добродетелях, как благородство, сила духа, любовь, верность, верность.

Ключевые слова. Наследие, фольклор, бахшичилик, «Алломии», воспитательный геройзм, узбекский эпос, уникальное искусство

Фольклор – бу халқ томонидан яратилган ва халқ орасида яшаб келаётган поэзия. Унда халқнинг кўп асрлик меҳнат фаолияти, ижтимоий ва майший турмуши, ҳаёт, табиат ҳақидаги билимлари ва тасаввурлари, диний эътиқодлари ўз аксини топган. Фольклорда халқнинг юксак фалсафий қарашлари, орзу-истаклари, интилишлари, поэтик фантазияси, шунингдек бой фикрлар, ҳис-туйғулар, кечинмалар олами, зулм ва истибододга қарши қатъий норозилиги, адолат ва баҳт-саодат ҳақидаги орзулари ўз ифодасини топган. Фольклор – бу инсон нутқининг шаклланиш жараёнида юзага келган оғзаки бадиий ижод.

Халқ оғзаки ижоди ўзбек халқи маданиятининг ажралмас қисмидир. Ўзбек фольклорининг жанр жиҳатдан хилма-хиллиги, умуминсоний ғояларни тараннум этишда қўлланган бадиий воситаларнинг бойлиги ва ўзига хослиги халқимизнинг улкан маънавий, бадиий хазинасини ташкил этади. Унда халқимиз тарихи, унинг майший турмуши жонли акс эттирилади, энг олий ва олийжаноб инсоний сифатлар, инсонлар баҳти, ватан тинчлиги, озодлиги йўлида фидоийлик ва қаҳрамонлик, дўстлик ва муҳаббатда садоқат, меҳнатда тиришқоқлик ва ҳалоллик улуғланади, хоинлик, ишёқмаслик, қўрқоқлик қораланади. Халқ оғзаки ижоди муттасил ривожланиб боради, унинг асосий хусусияти шундаки, у омма томонидан коллектив тарзда яратилади ва ижро этилади. Айнан мана шу хусусият фольклор асарларининг варианtlари қўплигини, оммавийлигини, анъанавийлиги ва анонимлигини белгилайди.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди жанр жиҳатдан ниҳоятда хилма-хил. Улар бирбиридан ўзининг ҳажми, ижро этиш усули (якка ёки жамоавий), мусиқа ва ҳаракат иштироки билан фарқланади.

Бу бой ва ранг-баранг меросни тўплаш, тадқиқ этиш ва саралаб нашрга тайёрлашда кўплаб ўзбек адабиётшунос ва фольклоршунос олимларнинг хизматлари бор. Ўзбек фольклори намуналарини мунтазам ёзиб олиш ишлари асосан ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган. Бу муҳим ишни ўзбек олимлари ва шоирларидан Ғози Олим Юнусов, Ғулом Зафарий, Элбек бошлаб бердилар. 20-йиллар ўрталарига келиб фольклор материалини тўплаш ва илмий ўрганиш ишларига ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, йирик фольклоршунос олим Ҳоди Зарипов бошчилик қилди. Олимнинг ташаббуси билан ва шахсий иштирокида фольклор экспедицияларида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан каби улкан достончиларимизнинг репертуаридаги достонлар ёзиб олинди. Ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ “Алпомиш”, “Ширин ва Шакар”, “Муродхон”, «Орзигул», “Маликаи айёр”, “Равшан”, “Қундуз ва Юлдуз” каби йирик достонлар чоп этилди. Ўз яратувчиларининг ворисларига тақдим этилди. Бу нашрлар кейинги тадқиқотлар ва нашрлар учун асос вазифасини ўтаб келмоқда.

Ўзбек халқ достони узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Қадимги турк эпосининг илдизлари саклар ва массагетлар даврига бориб етади. “Алпомиш”дан аввал яратилган туркий фольклорнинг эпик асарлари ҳозирга қадар бизга турли тарихий манбалар орқали эпизодик ҳолда етиб келган “Тўмарис”, “Широқ”, “Сиёвуш”, “Зариадр ва Одатида”, “Стриангия ва Зарина” каби эпослар билан бир вактда, улар билан ёнма-ён мавжуд бўлиб келганлиги хақиқатдан узоқ эмас.

Қабилаларнинг Мовароуннахр ва Хурросонга кириб келиб, ўтрок маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетиши, маданий анъаналарнинг ўзаро тўқнашуви ва кейинчалик аста-секин уйғунлашуви, ўзбек миллатининг эволюцияси халқ оғзаки ижоди ҳамда унинг етакчи жанри бўлмиш достончиликнинг ҳам катта одимлар билан ривожланишига туртки бўлди, ҳаётнинг ўзи кўплаб янги сюжетларни илгари сурди. Милодий биринчи минг йиллик мобайнида янгидан янги ўзбек халқ эпосининг дурдонаси “Алпомиш”нинг яратилиш вақти X-XI асрларга тўғри келади. Ҳозирда ёзиб

олинган ўзбек достонларининг катта қисми XII-XVII асрларга келиб яратилган. XVII-XX асрлар анъанавий халқ достончилигининг энг маҳсулдор даври бўлди. Айрим достонлар улкан цикларни ташкил қилди (“Алпомиш”, “Гўрўғли”).

Уларнинг сирасида энг қадимий илдизларга эга бўлган қаҳрамонлик достонлари, хусусан “Алпомиш”, “Ёдгор” достонлар цикли киради. Бу достонлар узок ўтмишда кўчманчи ёки ярим кўчманчи ҳаёт кечирган ўзбек қабилаларининг ўзаро уруғчилик муносабатлари, ҳаёт тарзи, урфодатларининг эпик ифодаси сифатида юзага келди. Достонларда маҳаллий қабилалар иттифоқининг илк давлатчиликни яратиш йўлида бирлашишга интилиши, ташқи душманлар билан мардонавор кураши акс эттирилган. Айниқса ўзбек достончилигининг гултожи бўлган “Алпомиш”да ўша тарихий даврдаги ўзбек халқининг турмуш тарзи, орзу-умидлари, ватанпарварлиги, иродаси, тантилиги қаҳрамонона идеаллаштирилган шаклда бўлса-да, ниҳоятда ҳаётий ифодаланган.

Ўзбек достончилигининг яна бир катта даврини фольклоршуносликда романик деб таърифланган достонлар ташкил қиласи. Улар мавзу йўналиши бўйича бир неча групга бўлинади: харбий-романтик достонлар (масалан, “Юсуф ва Ахмад”, “Алибек ва Валибек”), қаҳрамонлик-романтик достонлар (“Рустам” ва “Гўрўғли” достонлар цикли, “Аҳмад”), ишқий-романтик достонлар (“Кунтуғмиш”, “Равшан”, бир қатор хоразм достонлари), ижтимоий-маиший достонлар (“Соҳибқирон”, “Қиронхон”, “Орзигул”, “Эрали ва Шерали”, “Ширин ва Шакар”) ва китобий достонлар (“Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Бахром ва Гуландом”, “Вомиқ ва Узро”) Бу достонлар одатда қаҳрамонларнинг эртакнамо ишқий саргузаштларига бағишлиган бўлиб, уларнинг сюжетида фантастик ҳодисалар етакчи ўрин эгалласа-да, бироқ асосида муайян ҳаётий воқеалар ва муносабатлар ётади.

Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони милллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган авлодлардан аждодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик асаридир бу достон бизга ватанпарварлик,

олијжаноблик, матонат, мұхаббат, вафо ва садоқат каби әзгу фазилатлардан сабоқ беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида “Алпомиш” асарига юксак баҳо берилиб, қўйидаги фикрлар айтилган:” Бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз имон-эътиқодидек асрраб-авайлаган, қанча авлод-аждодларимиз “Алпомиш” достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган . бекиёс маънавий бойликка эга бўлган.

Демак, халқимиз бор экан, достончилик мактаби ва уларнинг халқ оммаси маданий-сиёсий ҳаётида тутган ўрнини тадқиқ қилиш ва ўрганишда халқ бахшилари фаолияти билан ўрганиш зарурдир” [1:32]. Бахшилар халқ оғзаки ижоди бойликларининг хазинадорлари) деб атаганларида ёзувчимиз Ойбек, халқ оғзаки ижодининг юксак профессионал санъат тури – достон ва достончиликнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти бахшилар номи билан боғлиқ эканлиги назарда тутилган бўлса керак. Бахши халқ фазилатларини ўзида мужассамлаштириб, унинг туйғулари, орзу-истаклари ҳамда турмушини достон ва термаларда бадиий таъсирчан жонлантириб, яна халқнинг ўзига қайтарувчи нодир санъат асарларидан биридир.[2:37].

Ўзбек халқ достонлари дастлаб В.М.Жирмунский .Х.Т.Зарипов , М.Зарипов,Б.И.Саримсоқовлар томонидан тасниф қилинган бўлиб, қаҳрамонлик,романтик, тарихий достонлар каби уч турга бўлинади. Достонларни куйловчи, ёдда сақловчи ва наслдан наслга ўтказиб келаётган санъаткор бахшилар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир. Пўлкан шоир, Абдулла шоир, Умир шоир, Бола бахши, Онабиби Отажонова , Ниёзжон Мусаева ва бошқаларнинг меҳнатлари таҳсинга сазовордир.

Айнан биз талқин қилиб, фикр юритмоқчи бўлган “Алпомиш” достони қаҳрамонлик достонларидан соф ҳолида бизгача етиб келган, санъат тараққиётида ўзбек халқи маданияти ривожида катта аҳамиятга эга достондир. “Алпомиш” достони инсонпарварлик ва адолат ғояларини ўзида мужассам этган қаҳрамонлик достони бўлиб, туркий халқларнинг ноёб

дурдонасиdir. Достон нусхалари орасида Фозил Йўлдош ўғли оғзидан ёзиб олинган варианти ҳам мазмун ҳам шакл жиҳатидан тўла ва мукаммал саналади.[3:42].

Достонда юксак инсонийлик, адолатпарварлик, ҳақиқий дўстлик. Севгига садоқат, Ватан туйгуси каби юксак гоялар куйланиб, достоннинг бош қаҳрамонларидан бир Ҳакимбек – Алпомишdir.

Асарнинг яъни достоннинг халқчиллиги шундаки, халқ ботир Алпомишни ўз хаёлида “ўтга солса куймас, қилич солса ўтмас, милтиқ отган билан ўқи ботмас” қилиб яратган.

Айнан бугун ёшлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолиб бораётган тезкор жараёнда Алпомиш тимсоли ёшларимиз учун тарбия мактаби вазифасини ўтаб бораверади.

Жумладан, Ҳакимбек ўз билимлари асосида одамгарчиликка хос бўлган одатларни сахийлик деб билади ва уни юқори баҳолайди: “Вакт-бевақт бировникига бир меҳмон келса отини ушлаб , жой берса қўнглини хушлаб жўнатса, бул одам баҳил , кишиларнинг моли закот берса, бул одам сахий экан, агар закот бермаса бул одам баҳил экан”[4:42]. Ҳақиқатдан ҳам Алпомиш халқ хотираси, халқ бадиий даҳоси, халқ руҳияти, халқ фалсафаси, халқ анъаналари ва пандномалари-ю, насиҳат-ўгитларининг ҳам битмас-туғанмас чашмасидир. ”Алпомиш” достони қадим-қадимлардан баҳши – шоирларимизнинг энг севган, жўшиб-тошиб куйлайдиган достонларидан бири бўлган. Айни дамда тингловчилар ҳам достонни жуда юқори баҳолаш билан бир қаторда, у чечан баҳшилар ижросида қанчалик узоқ вақт куйланса, қайта-қайта ижро этилса ҳам сира зерикмай, жон қулоқлари билан тинглаганлар.

Маълумотларда келтирилишича, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган донгдор достончи-шоир “Алпомиш” достонини бир сафар уч ой давомида чарчашиб нималигини билмай куйлаган экан.[5:10].

“Алпомиш” достонининг яна бир тарбиявий аҳамияти шундаки, бошқа анъанавий достонларимиз каби ота-боболаримиз томонидан ўқиш учун эмас, даставвал куйлаш учун яратилган. Ранг баранг, жарангдор куйи билан, гоҳ эса мунгли, киши қалбини титратувчи . рухни ларзага солувчи санъатни тинглаганингиздагина унинг бадиий қудрати, илоҳий таъсир кучи, қолаверса миллатнинг ўзлигини англашдаги фазилатлари ўзини намоён этади. фольклоршунос олим М.Муродовнинг маълумотларига кўра , Қодир бахши “Алпомиш”ни куйласа, кўз ўнгингизда Барчиной ёрини қутқариш, унинг висолига етиш учун Бойчибор тулпорига миниб кетаётган Алпнинг баҳодирона ҳайбати, отда ўзини тута билиши, қувноқлиги, кўтаринки кайфияти, шўх ҳаракатлари,

Алпомиш рақибларидан устун келиб, йўлга чиққанда отнинг дупур-дупури гавдаланади. Шунинг учун Қодир бахши ёнида “Алпомиш”ни тинглар экансиз, достон манзарапари бамисоли кино тасвири сингари кўз ўнгимиздан ўтарди. [6:4].

“Алпомиш”нинг забардаст, мукаммал ғояси, нафис ва гўзал бадиияти, ранг-баранг, ёқимли куй-нағмалари, қўймақулоқ баҳшиларнинг ҳузурбахш овози ва бебаҳо ижроси билан ҳамоҳанг уйғунлашиб кетгандагина достон бутун нафосати билан намоён бўлади. Халқ анъанавий достонлари, жумладан, “Алпомиш”нинг миллатимиз тақдирида тутган ўрни, унинг қадриятларнинг қадрлиси бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шунда. Масалан, достондаги ватанпарварлик, юрга садоқат ғоясини олиб кўрайлик. Алпомишнинг зинданда, тутқунлик даврида ғоз орқали она юрга салом йўллаши, Барчиной, Қалдирғоч, Ёдгорбекларнинг хижрон алами ва изтироблари тасвирланган қаҳрамонларнинг йўлдаги учрашувлари лавҳаларида янада ёрқин акс этган.

Алпомиш : Неча кундир ғоз билан сухбат қуриб ётди, гознинг ярлари битди, парвоз қилиб, кўтарилиб учадиган бўлди.

Ҳакимбек : Элу халқимга менинг тирик хабаримни сен етказсанг,-деб хат қилиб, ғоз қанотининг чопарига муҳтасар қилиб, она юргига жўнатади:

Белимга боғланган заррин путам бор,
Худойим кечиргай, қилган хатом бор,
Қўнғирот элда Бойбўридай отам бор,
Албатта отама арзамни еткар.

Мен йиглайман, юрагимда алам бор,
Вайрон бўлган элда кулбахонам бор,
Қўнғирот элда оқ сут берган онам бор,
Албатта энама арзамни еткар.

Мен эдим неча вақт элда добулбоз,
Тул бўпқолди Барчинойдек сарвиноз
Арзамни ёрима етказ, ёлғиз ғоз.

Ватан севинчи, она диёр қадрияти билан боғлиқ. ватанпарварлик, юртсеварлик, қавму қариндошлиқ туйғулари чуқур акс этган бундай лавҳаларни достондан истаганча келтириш мумкин.

“Алпомиш” достони ҳамма замонларда ҳам халқнинг суйган ва суйиб эшитган асари бўлган. 1939 йилда ўзбекнинг ёниқ шоири Ҳамид Олимжон, ўша даврларда Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг раиси сифатида бахшиларни Тошкентга чақириб, ота-боболаримизнинг маънавий давлати ҳисобланмиш халқ оғзаки ижодини – достонларни бахшиларнинг ўзларидан эшитиб, ёздириб олмоқ борасида хайрли ишларни амалга оширган.

Хусусан, у халқ қаҳрамонлик эпоси ҳисобланган “Алпомиш” достони устида уч йил қаттиқ ижод олиб боради ва 1939 йилда тугатади, достоннинг моҳир ижодчиси ва ижрочиси Фозил Йўлдошнинг достончиликдаги бадиий маҳоратига юксак баҳо беради. “Алпомиш” достони ҳақида ёзган сўзбошисида “Фозил шоир Йўлдош ўғлиниң эски ўзбек халқ қаҳрамонлик достонларини билишда, достончилик техникасини сақлаб куйлашда ҳозир унга teng келадиганини биз кўрмадик”, деб ёзганида шоир баҳши куйлаган “Алпомиш”ни назарда тутгани айни ҳақиқатдир.[7:117].

Ҳамид Олимжон томонидан нашрга тайёрланган “Алпомиш” достони халқ достонларининг шу вақтга қадар илмий ва оммавий нашрларидан мукаммалроқ бўлиб, унда тадқиқотчи ўн беш минг мисрадан иборат бўлган бу достонни қисқартириб, оммавий равишда нашр эттирган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бир сўзни доим такрорлаб юрадилар: “Буюк инсонлардан буюк ишлар қолади, зеро улар халққа маънавият хазиналарини қолдирадилар” ва мана шу сўзнинг исботи сифатида оташин шоир Ҳамид Олимжонинг 100 ёшлик юбилейи муносабати билан нашр этилган сайланмаларида қуйидаги фикрларини ёзганлар:“Ҳамид Олимжон шоир ва шахс сифатида халқимиз маънавий қадриятларини улуғлаш учун беҳисоб улуғ ишлар қилди. 1939 йилда “Алпомиш” достонини нашрга тайёрлади ва чоп эттирди. Бу эса, шубҳасиз, жасорат эди. Афсуски, орадан кўп вақт ўтмасдан, 1952 йилнинг январида мазкур достон яна тазиикқа учраб ман этилди. Истиқлолимиз ва Биринчи Президентимиз шарофати билангина “Алпомиш”га ёруғ кунлар насиб этди”.[8:8].

Олимларнинг таъкидлашларича, ҳозирги кунда бу достоннинг қирқقا яқин варианти мавжуд. Унинг Сурхон воҳасида яратилган вариантларидан утаси Шеробод достончилик мактаби вакиллари – Умир баҳши, Мардонақул Авлиёқул ўғли ва Абдуназар Поёновдан ёзиб олиниб, китоб ҳолида нашр этилди. Умумий ҳажми кўлёзмада 600 саҳифани, шеърий қисми 14230 мисрани ташкил этидиган, сайқалланган ва тўлдирилган ҳолда китобхонларга тақдим этилган бу достон ўзбекнинг тантилиги, ғурури, орияти, юртга муҳаббати ва улуғ дардини ўзида акс эттирган.400 достонни ўзида жамлаган “Алпомиш” китоби тайёрланиб, нашрдан чиқарилди ва ҳар бир янги оила қурганларга ҳадя этилмоқда.

Албатта ёшларга мазмун-моҳияти жиҳатдан ҳам, ҳаёт ва инсон муаммолари тадқиқи билан ҳам ўзгача асар бўлган умуминсоний туйғуларни ўзида мукаммал мужассам этган қадриятларимиздан бўлмиш

“Алпомиш” достонини ўқиши, мушоҳада юритиши, қаҳрамонлар ҳаётининг ибратли томонлари катта маънавий озуқа беради.

Бугунги тезкор жараёнларда ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш, ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш борасида кўплаб чора-тадбирлар белгиланиб, ижобий натижаларга эришилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда юртимизда нафақат миллий маданиятизмнинг ўлмас мероси “Алпомиш”ни, балки баҳшичилиқдек нодир санъат турини асраш-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш мақсадида нафақат халқаро анжуманлар, Республика баҳшичилиқ санъати маркази, Баҳшичилиқ санъатини ривожлантириш жамғармаси, 100 томдан иборат “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” мажмуасини нашр этишга тайёргарлик ишлари давом этаётгани, “Ўзбекистон халқ баҳиси” фахрий унвони таъсис этилгани миллий қадриятлар яшовчанлигини таъминлашнинг ўзига хос ёрқин қўринишлари сифатида халқимиз ардоғида бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А.Юксак маънавият енгилмас куч.Тошкент.”Маънавият”, 2008.
2. И.Қодирова Халқ оғзаки ижоди.Тошкент, 2002.
3. Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб.Тошкент, ФАН,1973.
4. М.Муродов. Алпомишида суврат ва сийрат талқини . Халқ сўзи.1997.14 январь.
5. С.Тўйчиева.Водийларни яёв кезганд.Тошкент. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2018.
6. А.Орипов.Мафтункор шеърият. ”Дарё қаби уйғоқ ўтурман. Сайланма.Тошкент .Шарқ.2009.